Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

1999 йил,
20 октябрь, чоршанба
42 (106)

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

• *Миллатнинг улкан бойлиги*

ДАВЛАТ ТИЛИ ВА МУСТАҚИЛЛИК

ЭРТАГА ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИГА 10 ЙИЛ ТЎЛАДИ

Менинг назаримда, мустақиллик учун кураш ўзбек тили учун курашдан бошланган. Собиқ СССР даврида республикамизда идора ишларининг фақат рус тилида юритилишининг ўзиёқ «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси»нинг «ўз тақдирини ўзи белгилаши»дан қаерда қаергача эканлигини ҳар қадамда миямизга михлаб турар эди. Бундан 10 йил аввал ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши империя чекловларини чок-чокидан сўкиб юборди. Тил озодликка чиқиб, руҳимиз бепоён самога парвоз қилди. Кўнглимиз тоғ каби юксалди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, маблағ билан таъминланиш жиҳатидан ҳам мазкур қонуннинг омади чопган. Шунинг учун ўтган йиллар мобайнида ушбу қонуннинг ва унинг янги таҳрирдаги вариантини амалга киритиш соҳасида катта ишлар қилинди. Лекин вақт, ҳаётий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, тил ҳақидаги қонун она тилимизнинг ҳурматини жойига қўйиш учун ҳамма имкониятлар эшигини кенг очиб берган билан бундан фойдаланиш миллий ғурур, эътиқод, она халқига, Ватанга ҳурмат ва қадрият масалалари билан боғланиб кетар экан. Шунинг учун бу имкониятдан ҳамма жойда ҳам бирдай яхши фойдаланилаётгани йўқ.

Ривоят қилишларича, бир неча ўн йиллар улкан чинорга занжирбанд қилинган филни туткунликдан озод қилиб, қанча ҳайдасалар ҳам у чинор атрофида айланаверган экан. Бизни кечирсинлару, ўзбек бўла туриб, ўз она тилини билмайдиган, ўз тилида гаплашишни истамайдиган ва ўзи ишлаётган жойда қонун ижросини таъминламаётган кимсаларни қулликка кўниккан ўша филга қиёс қилиш мумкин. Чунки 10 йил қисқа фурсат эмас. Бу давр мобайнида кўпгина идора ва ташкилотлар давлат тили асосида ишлашни тўла таъминладилар. Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасини ана шундай идоралар қаторига киритиш мумкин. Мустақилликка қадар рус тилини билмаган ҳуқуқшунослар бу даргоҳга ишга олинмас эди. Мана, ҳозир бошқа миллатга мансуб прокурорларнинг ўзбек тилида бийрон-бийрон гапириши ҳамкасбларининг ва фуқароларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлмоқда.

Айни пайтда прокурорларнинг зиммасига давлат тили тўғрисидаги қонун ижросини назорат қилишдек масъулиятли вазифа ҳам юкланган.

— Республика прокуратура идоралари тил ҳақидаги қонун ижросига доир назорат тартибида текширишларни мунтазам ўтказмоқда, — дейди умумий назорат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Муҳиддин Қиёмов. — Фарғона, Тошкент ва Навоий вилоятлари, Тошкент, Фарғона, Қувасой шаҳарлари ҳамда бошқа бир қатор прокуратуралари ҳудудларидаги айрим йирик корхоналар ва аҳоли пунктлари миқёсида қонун талаблари қандай бажарилаётганини ўрганиб чиқиб, тегишли тадбирлар белгилаганлар. Текширишдан маълум бўлишича, баъзи идораларнинг, хусусан, хусусий фирмаларнинг раҳбарлари гўё тил ҳақидаги қонун ижросини рус тилидаги лавҳа (витрина)ларни бошқа тилдаги лавҳалар билан алмаштиришдангина иборат, деб тушунишмоқда. Шунинг учун, айниқса Тошкент шаҳрида кўпчилик тушунмайдиган «алмойи-алжойи» лавҳалар, кўрсаттичли ёзувлар кўпайиб кетмоқда. Буни қонун доирасида тартибга солиш керак. Мазкур қонун бошқа миллат кишиларига давлат тилини ўрганишни ҳам назарда тутади. Прокуратура ўз текширишларида бунга алоҳида эътибор бермоқда.

Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг ўн йиллиги кетади ва беихтиёр ҳазрат Навоийнинг ушбу сўзлари ёдга келади: «Кўнгил маҳзанининг қулфуни тил ва ул маҳзаннинг калидин сўз бил». Бунга қўшимча равишда биз эришган мустақилликнинг моҳияти ҳам давлат тилига — ўзбек тилига нечоғлик ҳурмат кўрсатаётганимизда алоҳида бўртиб кўзга ташланар экан, дейишимиз мумкин.

А.АБДУХОЛИҚОВ

• *Муҳокама, мулоҳаза ва таклиф*

Матбуотда «Суд ижрочилари тўғрисида»ги ва «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунларнинг лойиҳалари эълон қилинди.

Бу қонунлар нафақат фуқаролар учун, балки ҳуқуқшунослар учун ҳам янгилик бўлиб, илгари бундай қонунлар умуман бўлмаган.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

Ривожланган ҳуқуқий давлатларда суд ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш алоҳида органга юклатилган. Бизнинг мамлакатимизда ҳам шундай қонуннинг қабул қилиниши айни муддао ва ҳаёт тақозосидир.

Бу қонунлар шак-шубҳасиз, судлар ва бошқа органларнинг ҳужжатлари ижросини таъминлашда катта ўрин тутади. Амалиётда суд ижрочилари ўз ҳаракатларини адлия вазирлиги томонидан тайёрланган йўриқнома, низомлар асосида амалга оширар эдилар. Бу қонун фақатгина суд ижрочилари эмас, балки томонларнинг, қарорларни бажаришга дахлдор бўлган органларнинг ҳаракатларини ҳам тартибга солади.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига қуйидаги айрим фикрларимни билдиришни лозим топдим:

1. Қонуннинг номланишида «ҳужжатлар» сўзи икки марта такрорланган. Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти уч тоифага бўлинган бўлиб, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик судидан иборатдир. Шу туфайли қонунни «Судлар ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун деб номлаш тўғрироқ бўлар эди.

2. Қонунда «бошқа органлар» туркумига қайси органлар кириши кўрсатиб ўтилса мақсадга мувофиқдир. Чунки, суд ижрочиси қайси органлар унга ижро учун ҳужжат юбориш ваколатига эга эканини билиши лозим. Бу ҳолат эса ваколати йўқ органлар ҳам ижро учун ҳужжат тўплаб, суд

(Давоми 2-бетда)

• *Сиз севган нашр*



«ҚОНУН ҲИМОЯСИДА» — XXI АСР ЖУРНАЛИ

Мана, журналимизнинг 9-сони ҳам ўқувчиларимиз қўлига етиб борди. Бироқ биз аввал Мустақиллик байрамига бағишлаб чиқарилган 8-сон ҳақида қисқача тўхталмоқчимиз.

Таҳририят ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ўқувчилар учун кичкина байрам совғаси ҳозирлашга жазм этган, яъни хориж журналлари каби дид билан безатилган рангли-безакли журнал чиқаришни ният қилган эди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бу борада тажрибаси етарли. У ерда чоп этилаётган «Тафаккур», «Давлат ва жамият қурилиши» каби нашрларнинг мазмунигина эмас, балки безатилиши ҳам чет эл журналлари билан бемалол бўйлаша олади. Баъзи устунлик жиҳатлари ҳам бор. Қолаверса, ҳар қандай журнал ёки газета замон шиддатига осилиб эмас, ҳеч бўлмаганда у билан бўйлашиб, басмабас қадам ташламас экан, эртага ўқувчиларидан ажраб қолиши ҳеч гап эмас. Хуллас, ходимларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ниятимизга эришдик. Мустақиллик байрами нишонланаётган кунларда «Қонун ҳимоясида»нинг рангли-безакли сони ўқувчилар қўлига етиб борган эди.

Халқимизда исми жисмига монанд, деган гап бор. Таҳририят журнал материалларининг пишиқ-пухта бўлишига алоҳида аҳамият берди. Ранг-баранглик ҳар қандай нашрнинг муҳим фазилати саналади ва «Қонун ҳимоясида»нинг 8-сони ҳам бундан мустасно эмас. Бироқ барча материалларни бир масала ипи- XXI аср ҳуқуқий тафаккури ва шу давр кишиларининг маънавий қиёфаси қандай бўлади, деган савол атрофидаги мулоҳазалар бирлаштириб туради.

Ўзбекистон Республикаси бош прокурори Усмон Худойқуловнинг «Ўзбекистон прокуратураси XXI аср бўсағасида» деб номланган суҳбатида мамлакатимизнинг муҳим ҳуқуқий идораси келгуси асрни қандай ниятлар, имкониятлар ва ўзгаришлар билан қаршилаётгани ҳақида фикр юритилади.



Вилоят прокурорларининг таҳририят савол-лларига жавоблари ва олимлар А.Ҳожибоев, Ф. Раҳимов, М.Ражабова, З. Иноғомжонова ҳамда ёзувчи Машраб Бобоевларнинг мақолалари бу мулоҳазаларнинг бошқа-бошқа жиҳатларини тўлдиришга хизмат қилади.

Журналнинг 9-сонидаги мақолалар руҳида ҳам келгуси аср режалари билан яшаш ва ишлаш тамойилини сақлаб қолдик.

Маълумки, мустақилликнинг

(Давоми 3-бетда)

• *Кеча*

АЁЛ КИШИ ҚОЗИ БЎЛИШИ МУМКИНМИ?

Инсон саволлар уммони ичра яшайди. Ҳаётимиз қай даражада гўзал ва мазмунли бўлиши ўзимизнинг мана шу саволларга топган жавобимизга боғлиқ. Айниқса, у аждодларимизнинг, сизу биз ва келгуси авлодларнинг ҳақ-ҳуқуқларига оид бўлса, янада муҳимроқ аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, сарлавҳадаги саволни ҳам тарихий нуқтаи-назардан тушунмоқ керак.

Дарвоқе, Тошкент Давлат юридик институтида кеча бўлиб ўтган «Шарқ мутафаккирлари ва инсон ҳуқуқлари ғояси» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда қатнашганингизда шу ва шунга ўхшаш саволларингизга жавоб топган бўлур эдингиз. Унда ТДЮИ доцентлари А.Жузжоний, С.Ҳасанов, Республика Прокуратураси ўқув маркази директори ўринбосари М.Ражабова, ЎзФА Шарқшунослик институти илмий ходимлари М.Комилов, Г.Раҳимова сингари олимлар «Шарқ мутафаккирлари таълимотида инсон ҳуқуқлари муаммоси», «Б.Марғинонийнинг «Ал-ҳидоя» асарида қозилик ҳокимияти тўғрисидаги ғоялар» каби мавзуларда маъруза қилдилар.

Анжуман ҳақидаги батафсил ахборотни газетамизнинг кейинги сонида ўқийсиз.

(Ўз мухбиримиз)

• *Муҳокама, мулоҳаза ва таклиф*

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

(Давоми 4-бетда)

ижрочисига юборишига олиб келиши мумкин. Қонуннинг 5-моддасида кўрсатилган органлар ҳамма органларни тўлиқ ўз ичига олмаган кўринади.

3. 8-модда «Ижро иши юритишни қўзғатиш» деб номланган. Ижро ҳужжатларини қабул қилиб олган ижрочи, уни ижро қилишга киришишидан олдин расмийлаштиришини «иш юритишни қўзғатиш» деб таърифлаш унчалик аниқ эмас. Бу ижрочининг ҳаракатини «жиноят иши қўзғатиш» каби жиноят процессидаги терговчи, прокурор, судьянинг процессуал ҳаракатига тенглаштиради. Аслида эса бу модданинг аҳамиятини камайтирмаган ҳолда «Ижрони юритувга қабул қилиш қарори» деб юритилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу модданинг охирги бандидаги ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиш ёки унга нисбатан протест билдириш масаласига ҳам бироз эътирозим бор. Маълумки, суд чиқарган ижро варақаси судининг ҳукми, ажрими, ҳал қилув қарори юзасидан берилади.

Суднинг бу процессуал ҳужжатларига нисбатан протест келтириш, шикоят бериш қонунда назарда тутилган.

Шу туфайли суд ижрочисининг ишни юритишни қўзғатиш қарорига яна протест келтириш ёки шикоят берилиши асоссиздир, чунки суд ижрочиси фақат қонуний кучга кирган ҳужжат асосида чиқарилган ижро варақасини ижрога қабул қилади ва у ушбу қонуннинг 3-моддасига мувофиқ уни бажаришга мажбурдир.

Бу ерда яна бир фикрни билдиришимиз лозим. Ҳақиқатдан суд ижрочиси бошқа органлардан асосланмаган ижро ҳужжатларини қабул қилиб олиши мумкин. Чунки бошқа органларнинг ҳаммаси ҳам қонуний ижро ҳужжати чиқаришига кафолат бера олмайди. Шунингдек, уларнинг чиқарган ижро ҳужжатларига нисбатан тарафлар томонидан қачон, қай йўсинда норозилик билдириш мумкинлигини қонунда кўрсатишимиз лозим. Бу ерда суд ижрочиси фақат қонуний ҳал қилинган, тарафларнинг фикрлари, норозиликлари билдирилиб, улар муҳокама қилингандан сўнг чиқарилган ижро ҳужжатларини қабул қилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки суднинг фикридан ва бошқа ваколатли органларнинг қароридан сўнг яна унинг ижро ҳужжати устидан бажаришни тўхтатиш юзасидан шикоят ва протест бериш қўшимча сансалорликни келтириб чиқаради.

4. 9-модданинг охирги бандида ижрочининг ижро ҳужжатларини қайтариб юбориш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш ёки унга нисбатан протест билдириш мумкинлиги кўрсатилган. Аммо «Суд ижрочилари тўғрисида»ги қонуннинг лойиҳасида, туманлар ва шаҳарларда ҳам суд ижрочилари бўлимлари ташкил этилиши назарда тутилган. Агар туман суди юборган ижро ҳужжатларини суд ижрочиси қайтарса унинг қарори устидан қайси судга мурожаат қилинади? Чунки аксарият туманларда фақат бир таркиб судлар ишлайди. Бу ноаниқ бўлиб қолган. Бизнинг фикримизча, ушбу таклифлар ўрганилиб, қонун лойиҳасига ўзгартиришлар киритилса янада мукаммал бўлар эди.

Ф.РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази директори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси, юридик фанлар номзоди

• *Ёшлар — миллат келажаги*

ЙЎЛ БОШИДА АДАШГАНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРОРИ ЎРИНБОСАРИ О.ХОЛМАТОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Орипжон ака, ёшларни иймонли, эътиқодли, Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашда ҳуқуқ тартиботини муҳофаза қилиш идораларининг ҳам ўрни беқиёс. Бу борада фикрингиз?

— Тарбия ҳақида гап кетганда, қадимдан қолган бир болага етти қўшни ота-она, деган нақлни эсламай иложимиз йўқ. Бу нақлда чуқур маъно бор. Ўзингиз ўйланг, бирон маҳалладан обрўли, элнинг назарига тушган бирон инсон чиқиб юрт корига яраса, нафақат ана шу йигитнинг ота-онаси, балки маҳалладошлари ҳам фахрланишади. Агар нобакор бирон одам чиқиб қолса-чи... Албатта,бу ўша маҳалла учун катта иснод. Ёшлар ҳақида сўз кетганида бир нарсани фахр билан айтишим мумкинки, дунёнинг ҳеч бир мамлакатида бизнинг Ватанимиздагидек навқирон авлодга ғамхўрлик қилинмайди. Бугунги кунда президентимиз саъй-ҳаракатлари туфайли юзлаб ёшлар хорижий мамлакатларнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олмоқда. Афсуски, айрим ёшларимиз яратилган қулай шарт-шароитлардан фойдаланиш ўрнига турли жиноий гуруҳларга кириб қолмоқда. Бунинг айбдорлари кимлар? Нима сабабдан ёшлар йўл бошида адашмоқда?

Яқинда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасида «Сенга содиқ фарзандмиз, Ватан» деб номланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда шу оғриқли саволга жавоб изланди.

— Бу борадаги таҳлиллар ҳақида нималар дея оласиз?

— Бир нарсани очиниш билан айтмоқчиманки, Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 8 ойида бултургига нисбатан вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш сезиларли даражада ошган. Айниқса, бу борадаги кўрсатгич Акмал Икромов туманида 147 фоизга, Шайхонтоҳур туманида 73 фоизга, Собир Раҳимов ва Миробод туманларида 50 фоиздан 68 фоизгача ўсган. Энг ачинарлиси, бу йил вояга етмаганларнинг жиноий гуруҳларга қўшилиб жиноят қилиш ҳоллари кўпаймоқда.

Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, жинояти учун ушланган вояга етмаганларнинг бир қисми жиноий гуруҳлар таркибида турли жиноятларни содир этган. Ёшлар томонидан содир этилган ҳар икки жиноятдан бирини мактаб ёшидаги, лекин ўқимайдиган ўсмир, ҳар учтадан битта жиноятни эса 14-15 ёшдаги мактаб ўқувчилари содир этган. Бу ҳолат биз ота-оналарни, жамоатчиликни, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини ўта ҳушёр бўлишга, тарбиявий ишларимизни янада кучайтириш, чуқурлаштириш, ҳамкорликдаги ишларимизни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

— Бундай фожиалар илдизига болта уриш учун нима қилиш керак?

— Мен прокурор ва ҳаётий тажрибага эга бўлган инсон сифатида айтмоқчиманки, биринчи навбатда ёшларни ҳуқуқбузарлик йўлидан, жиноят йўлидан қайтариш, сақлаш ва қонунларга сўзсиз риоя қилишни ўргатиш шарт. Ўрта таълим мактабларида ўтказилаётган «ҳуқуқшунослик» дарсига қўшимча яна ҳафтада бир марта ўқувчиларга «Прокурорлик дарси» ташкил қилиниб, машғулотларга прокуратура, ички ишлар, суд, адлия, адвокатура идораларининг тажрибали ходимлари жалб қилиниб жиноятчиликнинг сабаблари ва оқибатларини тушунтириб берилса, жиноятчиликни олдини олишда сезиларли ютуққа эришишимиз мумкин. Яна бир таклифим — шаҳар ҳокимлиги халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Ҳуқуқингизни биласизми?» мавзусида конкурслар ўтказилса кўнгилдагидек иш бўларди.

— Маълумки, «Ваҳҳобийлар», «Хизбут-таҳрир» каби экстремистик гуруҳлар ўз ниятларини амалга ошириш мақсадида ҳали ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган айрим ёшлардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.

— Пойтахтимизда юз берган 16 февраль воқеалари ҳаммамизни ҳушёрликка ундамоғи керак. Бу фожеанинг такрорланмаслиги учун шаҳримизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Пойтахтимизда жорий йил бошидан олиб борилган тергов ҳаракатлари жараёнида бу икки экстремистик оқимга аъзо бўлган бир неча юз шахс аниқланиб ҳисобга олинди. Уларнинг бир қисми Ватанга нисбатан хоинлик қилиб фитна уюштирганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилди. Шуниси ачинарлики, улар орасида 18 ёшга тўлмаган, яъни кечагина мактаб партасидан чиққан ўсмирлар ҳам бор. А.Икромов тумани А.Тожиев тор кўчасида яшовчи А.Аҳроров ўрта мактабнинг 11-синфида ўқиб юрган давридаёқ «Хизбут-таҳрир» оқимига аъзо бўлиб, «халифалик давлатини қуриш керак», деб очиқдан-очиқ гапириб юрган. «Мусулмонларга жиноятчилардек муомала қиламизми?» деган бўҳтонга тўла варақаларни тарқатиб юрганида жиноят устида қўлга олинди.

— Орипжон ака, устоз деган номга доғ тушираётган айрим кимсалар сигарета чекишда, спиртли ичимликларни истеъмол қилишда, ҳатто жиноят қилишда ўз ўқувчиларига «мураббий»лик қилишмоқда.

— Афсуски, ўқитувчидек улуғ касб эгалари орасида ҳам тарбиясиз, пул учун иймонидан кечадиган шахслар учраб туради. Бугунги кунда мактабларимизни ана шундай нопок кимсалардан тозаламас эканмиз, таълим соҳасида туб бурилиш ясашимиз қийин. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 217-мактаб ўқитувчиси Б.Каримовнинг «Хизбут-таҳрир» тўдасининг ифлос ниятлари йўлида хизмат қилиб келгани фош этилиб, жиноий жавобгарликка тортилди. Унинг ишидан наҳотки, мактаб маъмурияти, ота-онаси ва маҳалла аҳли бехабар бўлган бўлса?!

Бундай нопок кимса нафақат яқинларини, балки ҳали ҳаётда ўрнини топиб улгурмаган ёшларнинг ҳам онгини заҳарлайди. 1982 йилда туғилган Абдусаттор Паттахов ҳам мактабда ўқиб юрган даврида Б.Каримов сингари «устоз»лардан ўрнак олиб, турли варақалар тарқатиб юрганида қўлга олиниб, жиноий жавобгарликка тортилди.

— Орипжон ака, аввалларисайёр судлар ўтказилар ва халқ олдида холисона ҳукм чиқариларди. Эндиликда сайёр судларни ўтказишга эътибор пасайди.

— Амалдаги қонунчилик бўйича айрим ўта оғир жиноятларни сайёр судларда кўришга йўл қўйилмайди.Суд жараёнини кўрган ҳар бир фуқаро, ёшми-қарими ўзига хулоса чиқаради. Бу ҳаётда синалган тажриба. Шунинг учун ҳам, сайёр судлар амалиётини кўпайтирсак, ўйлайманки, жиноятчиликка қарши жуда катта иш қилинган бўлади. Тарбия ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин. Мен ишонч билан айтишим мумкинки, тарбияли оилада вояга етган бола ҳеч қачон ўзганинг ҳаққига кўз олайтирмайди. Инсофли, диёнатли фарзандларни вояга етказиш учун, энг аввало, биз ота-оналар уларнинг қалбига яхшилик уруғларини қадамоғимиз лозим. Ана шундагина биз ўзимиз орзу қилган баркамол авлодни вояга етказамиз.

Суҳбатдош **З.МАМАДАЛИЕВ**

• *Анжуман*

НОМЗОДЛАР КАМ ЭМАСМИ?

Яқинда Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида «Миллий тикланиш» демократик партиясининг иккинчи қурултойи якунларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Партия марказий кенгашининг раиси Иброҳим Ғофуров партия сайловолди дастури тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Ўн минг нафар аъзога эга бўлган «Миллий тикланиш» партияси кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига муқобиллик асосида И. Ғофуров номзодини кўрсатишга қарор қилган эди. Лекин Президентлик номзоди учун «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга кўра сайловчиларнинг қўллаб-қувватловчи имзолари 125 минг сайловчи имзосидан иборат бўлиши лозимлигини эътиборга олиб, шунча миқдордаги имзо тўплашга муваффақ бўлмаганлиги сабабли И.Ғофуров номзоди қайтариб олинганлигини ва сайловда Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга қарор қилинганлигини журналистларга маълум қилди.

Бундан ташқари, партиянинг Олий Мажлис депутатлигига кўрсатган 144 та номзодининг рўйхати тасдиқланганлиги ҳам эълон қилинди. Йиғилиш сўнгида партия марказий кенгаши раҳбарияти журналистлар саволларига жавоб беришди. Журналистлар «Нима учун партиянинг нуфузи бугунги кунда паст даражада?» деган саволни ўртага ташлашди. И.Ғофуров бу масала маблағ билан боғлиқ эканлигини, партиянинг фондида эса бир тийин ҳам йўқлигини таъкидлаб ўтди.

Партия фаолларига Олий Мажлис депутатлигига 144 та номзод кўрсатдингизлар, бу кам эмасми, деган ҳақли савол ҳам берилди. Зеро, демократия кўпчилик номзодлардан бирини танлаш имконини беради. Шундай экан, партиялар бемалол ҳар бир округ бўйича ўзининг биттадан номзодларини кўрсатиши мумкин-ку.

М.БОЛЛИЕВА,
«Ҳуқуқ» мухбири

«ҚОНУН ҲИМОЯСИДА» — XXI АСР ЖУРНАЛИ

(Бошланиши 1-бетда)

ўтган йилларида эркинлик даврига муносиб ҳуқуқий тамойилларни шакллантириш ва ривожлантириш борасида катта ишлар қилинди. Миллий қадриятларимизга асосланиб яратилган бу тамойиллар жаҳондаги энг ривожланган давлатларнинг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги илғор тажрибаларини ўзида мужассамлаштиргани билан ҳам эътиборга моликдир. Фарғона вилоят прокурорининг ўринбосари Ю.Абдуллаевнинг «Миллий қадриятлар ва ҳуқуқий тамойиллар» мақоласида ана шу ҳақда сўз боради.

Ҳуқуқшунос олимлардан О.Оқйўлов, тадқиқотчилар Н.Норпўлатов, Т.Орипов, Э. Ҳожиев, Г. Маткаримова, амалиётчи ҳуқуқшунослар С. Алиев, Қ. Нурметов, С. Йўлбарсов, Қ. Йўлдошев, М. Бердимуротовлар ўз мақолаларида қонуншунослик ва ҳуқуқий ҳаётнинг долзарб масалалари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этганлар.

Фаол муаллифларимиздан профессор Ҳ. Бобоев ва фан номзоди С. Ҳасановларнинг «Алпомиш» достонида аёл ахлоқ тимсолида» мақоласи ҳуқуқий маданиятимизнинг илдизлари қадим замонларга бориб тақалиши ҳақида ҳикоя қилади.

Шунингдек, ушбу сонда «Илон ўйини» ҳужжатли қиссасининг охири, журналхонларимизга яхши таниш бўлган ёзувчи Ғайрат Раҳматуллаевнинг «Сиртмоқ» детектив қиссасининг иккинчи қисми ва бошқа қизиқарли материаллар ҳам ўрин олган.

Ҳозир «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетаси таҳририятлари учун обуна мавсуми қизғин давом этмоқда. Журналимизнинг ҳам, газетамизнинг ҳам ўз мухлислари бор ва улар 2000 йилда ҳам бизни қўллаб-қувватлайдилар, деб умид қиламиз.

Айни пайтда таҳририят келгуси йилда нашрларимизни янада ўқимишли қилиш ва сифатли чоп этилишини таъминлаш учун катта тайёргарлик ишларини олиб бормоқда. «Шарқ» нашриёт -матбаа концернининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда «Қонун ҳимоясида»нинг барча сонларини рангли-безакли қилиб чиқаришни мўлжалламоқдамиз. Назарий масалалар билан бирга ҳуқуқшунослик амалиётига доир мақолаларга, суд очеркларига, ҳужжатли ва детектив қиссаларга журнал саҳифаларида кенг ўрин ажратилади. Ўз асарлари билан ўзбек детективини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган иқтидорли ёзувчи Алишер Ибодинов янги асари билан журналхонларни хушнуд этишга ваъда берган. Халқаро ҳуқуқ оламида танилган адвокатлар, судьялар, прокурорлар ва изқуварлар ҳақида ҳикоя қилувчи энг қизиқарли материаллар журналимиз саҳифаларидан жой олади. Журналхонларнинг мурожаатлари-хатлар ва шикоятлар асосида журналист текшируви ўтказиш амалиётидан кенг фойдаланиш ниятимиз бор.

Хуллас, «Қонун ҳимоясида» таҳририяти келгуси аср талаблари асосида яшаш ва ишлаш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланади.



Суратда: Навоий тумани прокуратураси

М.КУРБОНБОЕВ сурати

• *Бугунинг аёли*

Муаттар АСҚАРОВА:

ЭНГ ЯХШИ КЎРГАНИМ...

ҲАР ДОИМ ОДАМНИНГ КЎЗИГА ТИК ҚАРАШДИР

ҲОЛАТ

Кўринишидан жиддий. Овозида бироз ҳаяжон ва қатъият қоришиб кетган. Фикрлари теран ва аниқ. Бирор сўзни ортиқча ишлатмайдиган бу аёлни мен жиноий иш юзасидан тергов олиб бораётган терговчи, қонун муҳофазасидаги қатъиятли прокурор ёки судда жиноятчи устидан ҳукм ўқиётган судья ҳолатида кўрардим.

Фақат таъбир жоиз бўлса, у ўз фикрини суд залидан эмас, балки, ўз кўрсатувларида, милиционлар кўз ўнгида, телетомошабинлар ҳукмига ҳавола этарди.

Албатта, аёл киши учун журналист бўлиш, нафақат журналист, балки, тележурналист бўлишнинг ўзи бўлмайди. Қолаверса, ҳуқуқшунос тележурналист сифатида элга танилишнинг азобини, фақатгина шу соҳанинг нонини еганларгина биладилар.

Хўш, бизда, аёл тележурналистлар орасида элга танилган ҳуқуқшунос-журналистлар борми? Ва...

ЭКРАНДА — М. АСҚАРОВА

Узоқ йиллардан буён телеэкрандан тушмай келаётган «Инсон ва қонун», «Диёнат» ва кейинги пайтларда экранга чиқиб, ўзининг миллионлаб мухлисларига эга бўлган «Назорат» кўрсатувлари орқали бу аёл - бу журналист - бу ҳуқуқшунос-тележурналист ҳар биримизнинг қадрдонимизга айланган. Агар озгина лоф бўлса ҳам айтиш мумкинки, мамлакатимизда бирор оила йўққи, уларнинг аъзоларидан ҳеч бўлмаса бири Муаттар Асқаровани мухлиси бўлмасин. Келинг, ана шу фидоий аёл ҳақида ҳамкасбларининг фикрлари билан танишайлик.

Сафар ОСТОНОВ,
журналист:

- Тўғри, айтиш керак, умуман журналистика соҳасида энг оғири, бу ҳуқуқ соҳасида ёзиш, эшиттириш ёки кўрсатув тайёрлаш. Шунинг учун ҳам ҳуқуқшунос-журналистлар бизда бармоқ билан санарли. Айни соҳада ижод қилиш учун журналистдан нафақат ижодий қобилият, балки жасорат, дадиллик, қатъият, фидоийлик ва энг асосийси ҳуқуқий билим талаб қилинади. Биз юқорида келтириб ўтган сифатларнинг бирортаси кам бўлган ижодкор - ҳуқуқшунос-журналист номига даъвогарлик қилолмайди. Муаттар Асқарова эса, ўзида ана шу сифатларнинг барчасини мужассам қила олган жасоратли журналистдир. Бу аёл гапирадиган гапини билиб гапиради. Унча-мунча эркак журналистларда етишмайдиган жасорат бор унда...

Қурбон ЭШМАТОВ,
журналист:

- Муаттар Асқароваинг қонун муҳофазаси, ҳуқуқ мавзуларидаги чиқишларида мен эътибор қилганим, бу соҳанинг тилини, тушунчаларини, ҳаётийлигини, халқчиллигини таъминлашга эришганидир.

Аёл-ки қонунчилик ҳақида гапириб, эл эътиборини қозонишга сазовор бўлибди, демак, бу биз эркакларни бундан ўзимизга хулоса қилишга, ҳаётга, ишга муносабатимизда янада жиддийроқ, янада масъулиятлироқ бўлишга ундайди.

Юсуф ХУДОЙҚУЛОВ,
журналист:

- Журналистликнинг яна бир номи фидоийликдир. Афсуски, бизда журналистлар кўп бўлишига қарамасдан, фидоий журналистларимиз кам. Муаттар Асқарова айнан мана шу камчиликни тўлдирадиган фидоий журналистдир.

МУАТТАР — МУАТТАР АСҚАРОВА ҲАҚИДА

— Бундан ўн йиллар олдин бирор киши менга сен бир кун келиб Муаттар Асқарова деган таниқли журналист бўласан деса, хафа бўлган бўлардим. Менинг устимдан кулаяпти, деб ўйлаган бўлардим. Нега? Чунки, бундан ўн йиллар муқаддам жамиятдаги иллатлар билан курашишнинг иложи йўқ эди.

Менга, қолаверса, барча журналистларга эркин ижод қилиш имкониятини мустақиллик берди. Қўрқмасликни, адолат барибир тантана қилишига бўлган ишончни мустақиллик уйғотди бизда. Бундан саккиз йил муқаддам жамиятдаги иллатларни «Назорат» қилиш ҳуқуқи йўқ эди бизда. Аксинча, улар бизни «назорат» қилардилар. Ана шу берилган имкониятдан қай даражада фойдаланиш эса энди ўзимизнинг чекимизга тушган. Хуллас, мен нимага эришган бўлсам, барисига мустақиллик сабаб. Бу ҳеч қандай муболағасиз, юрагимнинг туб-тубидан чиққан икрор.

Инсоннинг жамиятдаги мавқеи, эътибори, обрў-ҳурмати бир кунда пайдо бўлмайди.

Журналист менинг назаримда югуриб бораётган спортчига ўхшаб кетади. Бирор дақиқа югуришдан тўхтадингми, тамом, орқада қолиб кетасан. Орқада қолдингми, унутиласан. Унутилдингми, демак, сенинг яшаб турган жамиятинг учун керагинг бўлмай қолади. Жамият учун кераксиз бўлиб қолиш нафақат журналист, ҳар бир инсон учун ҳам фожиадир.

Журналистика, телеэкран мен учун энг муқаддас даргоҳ. Мен ҳар қандай ҳолатда ҳам ундан воз кеча олмаслигимни сезиб тураман. Ҳаётда ҳам, ишда ҳам муросасизман. Муросасозликни, адолатсизликни кўрсам чидаб тура олмайман. Энг яхши кўрганим ҳар доим, ҳар қандай одамнинг кўзига тик қарай билишдир...

ВА НИҲОЯТ...

Муаттар Асқарова ҳам ҳаммамиздек оддий аёл. Унинг ҳам экран ортидаги ўз ҳаёти, ўз оилавий ташвиш ва қувончлари бор. У мен экранда кўриб ўрганган журналист эмас, уйимжойим деб тиниб-тинчимайди-



«Жасорат» медали соҳибаси М.Асқарова ҳаётида эришган барча муваффақиятлари сабабчиси бўлган онаси Муяссархон ая ва қизи Нозимахон билан.

ган ўзбекнинг жафокаш ва мушфиқ аёлига айланди. Тўғриси, менинг ўз елкасига кўрқмасдан шунча юкни ортмоқлаб олган аёлга ҳавасим келди. Агар ҳавасим келмаганда эди, балки, у киши билан оддий суҳбат қилиб қўя қолган бўлардим. Агар ҳавасим келмаганда эди, шу қисқагина мақолани ёзишга бу қадар қийналмаган бўлардим. Сабаби, ўзида бир олам фазилатларни мужассам қила олган инсон ҳақида ёзиш осон эмас экан.

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Муаттар Асқарова - мен шу пайтгача ёзган қаҳрамонларимнинг ҳеч бирига ўхшамайдиган, ўзига хос ижодкор. Шунинг учун ҳам ушбу мақолам ҳам бошқаларига ўхшамагандир. Мен ҳали бу ҳамкасбим ҳақида билганларимнинг юздан бирини ҳам қоғозга туширa олмадим.Демак, мақоламга ҳам нуқта қўймайман. Ҳозирча...

Мехрибон КУРБОННИЁЗОВА,
тележурналист

ТАҲРИРИЯТ ПОЧТАСИДАН

«Ҳуқуқ»қа жавоб берадилар

Газетанинг 1999 йил 22 сентябрь сонида «Таҳририсиз хат» рукнида «Шикоят ёзишга мажбурмиз» сарлавҳаси остида Боёвут туман пахта тозалаш корхонаси ишчилари номидан Б. Абдуҳолиқовнинг ёзган шикоят хати эълон қилинган эди. Шунга кўра, Сирдарё вилоят прокуратураси томонидан жавоб хати олдик ва бундан қониқиш ҳосил қилган ҳолда уни сизнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

Сиз учун, талаба

«ДИПЛОМИМ ТАН ОЛИНАДИМИ?»

Бешикдан қабргача илм изла, дейилган Ҳадиси шарифда. Инсон илмга ташна, унга интилади. Зеро, бу ташналикни ҳар ким ўзича қондиради. Кейинги йилларда ёшлар ўз билимларини турли давлат ҳудудларида мавжуд билим даргоҳларида чархламоқдалар. Аммо, у ерда билим олиб, мутахассисликлари бўйича олинган дипломлар бизнинг мамлакатимиз ҳудудудида амал қиладими? Шу хусусда кўпчилик талабалар савол билан таҳририятга мурожаат қилишган эди. Шу саволга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тест марказидан қуйидагича жавоб олинди:

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчиси бўлган давлатлар томонидан 1992 йил 15 майда Тошкент шаҳрида имзоланган «Таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳақидаги битим»нинг 5-моддасига мувофиқ иштирокчи - давлатлар Битим қабул қилинганга қадар берилган ўрта, касб-техника, ўрта махсус, олий таълим тўғрисидаги давлат намунасидаги ҳужжатларни муддатсиз тан олишларига кафолат берганлар.Келгусида таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш иштирокчи - давлатларнинг ўзаро келишуви орқали ҳал қилинади, дейилган.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 25-моддасига мувофиқ «...қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва бу ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш» Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари доирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 мартдаги 109-сон «Давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасаларининг аттестацияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида Бошқарманинг вазифаларидан бири этиб «...хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва бу ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этишнинг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартибини амалга оширишни таъминлаш» белгиланган (қарорга 1-илова, 3-банд, 7-сўзбоши).

Мазкур «Тартиб» Бошқарма томонидан ишлаб чиқилди ва манфаатдор вазирлик ва идоралардан келишувдан ўтказилиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этилди.

Бугунги кундаги «Мен хорижда таълим олдим, ўқишим, дипломим Ўзбекистонда тан олинадими?» деган масала ушбу «Тартиб» тасдиқлангандан сўнг кўриб чиқилиши мумкин.

М. ЗИЁЕВ,
Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси бошлиғи

Миннатдорчилик

Таҳририятимизга Хоразм вилоятидан бир отахон ногиронлик имтиёзидан фойдалана олмаётганлиги, яъни оёқ протезини тузаттириолмай овора эканлиги хусусида шикоят хати йўллаган эди. Ушбу масалани кўриб, ҳал этишда ёрдам беришларини сўраб, Ижтимоий таъминот вазирлигига мурожаат этдик.

Вазирликнинг саъй-ҳаракати ва бетараф ёрдами билан аризагўй оёқ кийим ва протез билан таъминланди. Бу ҳақда отахон таҳририятимизга ўз миннатдорчилигини билдириб, мактуб йўллабди:

СИЗЛАРГА РАҲМАТ!

Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят!

Мен уруш ва меҳнат фахрийсиман. Ёшим 77 да. Хоразм вилояти Хива тумани ИТБ томонидан 1997 йилдан бери оёқ протезимни тузаттириб берилмаётгани ҳақида шикоят билан «Ҳуқуқ» газетасига мурожаат қилган эдим. Орадан икки ой вақт ўтар-ўтмас, мен Ижтимоий таъминот вазирлигидан хат олдим. Унда менинг 1997 йилнинг ноябрь ойида протез олиш учун Хива тумани Ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган йўлланма - талондан ўз вақтида фойдаланмаганлигим хусусида, энди менга янги талон берилиши ва протез билан тез кунда таъминланишим ёзилган экан.

Худога шукр, оёқ кийим ва протез билан таъминландим.

Бу борада мен сизларга ўз миннаддорчилигимни билдириб, соғлиқ-саломатлик ва ишларингизга ривож, омад тилайман.

Салай ҲУСАЙИНОВ,
Хива тумани, Паҳлавон Маҳмуд номли жамоа хўжалиги

МУАЛЛИФ АНИҚЛАНМАСА-ДА...

Сирдарё вилоят прокуратураси томонидан «Ҳуқуқ» газетасининг 1999 йил 22 сентябрь кунги 38 (102)-сонида «Шикоят ёзишга мажбурмиз» сарлавҳаси остида чоп этилган мақола юзасидан текшириш ўтказилди.

Текширув олдидан ариза муаллифини мақола юзасидан суҳбат ўтказиш ва уларни шикоят ёзишга нима мажбур қилганлиги хусусида танишиш мақсадида вилоят прокуратурасига таклиф қилдик. Аммо, Б. Абдуҳолиқов деган шахс Боёвут туман пахта тозалаш корхонасида ишламаслиги ва ҳисобда йўқлиги маълум бўлди.

Муаллиф аниқланмаса-да, мақоладаги важлар прокуратура томонидан текширилиб, қуйидагилар аниқланди.

Мазкур мақолада корхона ишчиларига 1998 йилнинг сентябрь ойи учун фақат бир маротаба тўлиқ иш ҳақи берилганлиги, қолган ойлар учун эса 1000-2000 сўмдан аванс тариқасида маош тўлаб келиниши, умуман корхонада иш ҳақининг ўз вақтида тўланмаслиги баён этилган.

Аниқланишича, Боёвут пахта тозалаш заводи ишчи ва хизматчиларининг 1999 йил 1 октябрь кунига қадар ҳисобхона ҳисоботлари бўйича иш ҳақлари 32 941, 1 минг сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 26 089,6 минг сўми нақд пул ҳисобида тўлов ведомостлари асосида ишчи ва хизматчиларга тарқатилган ва 3 201 минг сўмлик макарон, сочиқ, пахта мойи каби маҳсулотлар етказиб бериш йўли билан иш ҳақлари ҳисоб-китоб қилиниб, май ва июнь ойларидан ташқари барча ойларда иш ҳақи ўз вақтида тўланиб келинган. Жорий йилнинг 1 октябрь кунига қадар заводнинг иш ҳақи бўйича қарзи фақат сентябрь ойи ҳисобига 1 955,8 минг сўмни ташкил қилган.

Шунингдек, мақолада заводни қайта таъмирлаш учун Хоразмдан ёлланган усталарнинг ҳар бирига ўз вақтида 20 минг сўмдан иш ҳақи тўланганлиги ҳолда доимий ишчиларга ҳисоб рақамида пул йўқлиги важ қилиб келинганлиги баён этилган.

Жорий йилда Боёвут пахта тозалаш заводининг ташкил топганлигига 80 йил тўлиши муносабати билан завод директори Ў. Ўроқбоев ва хоразмлик усталар бригадири Р. Бобожонов ўртасида 1999 йилнинг 19 май куни тузилган завод иморатларини қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ҳақидаги шартнома асосида 1999 йилнинг 2 август кунигача 960 100 сўмлик қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Бажарилган иш ҳажмлари учун 535 минг сўм миқдорида иш ҳақи тайинланган бўлса-да, ҳатто усталардан ҳам 1999 йил 1 октябрга қадар 425,1 минг сўм миқдорида иш ҳақидан қарздор бўлиб қолганликлари аниқланди.

Мақолада аслида 8 нафар киши ишласа-да, заводда 140 нафар ишламайдиганлар шартнома асосида ишга қабул қилинганлиги расмийлаштирилгани, заводда қўшиб ёзишлар орқали давлат маблағларини ўзлаштиришга ҳам йўл очиб берилаётганлиги, завод директори Ўктам Ўроқбоев, бош ҳисобчи Равшан Жўраев, бош муҳандис Қодир Усмоновлар томонидан пахта толаси, эҳтиёт қисмлар ва бошқа турдаги давлат мулки талон-тарож қилинаётганлиги баён қилинган.

1999 йилнинг 1 сентябрь кунига қадар заводда 544 нафар ишчи ва хизматчилар ҳисобда турса-да, шундан 448 нафари доимий ишчиларни ташкил этиб, уларнинг барчаси билан завод маъмурияти ўртасида меҳнат шартномаси тузилган. Шу билан бирга, Боёвут пахта тозалаш заводининг 1991 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига дебиторлик қарзлари 399 325,1 минг сўмни, шундан муддати ўтгани 14 465,4 минг сўмни, кредиторлик қарзлари эса 41 306,0 минг сўмни ташкил қилиши аниқланиб, ушбу дебиторлик қарзларини ундириш чорасини кўрмасдан ўзаро тўлов интизомининг бузилишига йўл қўйган завод раҳбари Ў. Ўроқбоев ва бош ҳисобчи Р. Жўраевларга нисбатан вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 175-моддаси 3-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилди ва қарор ижросини таъминлаш учун вилоят солиқ бошқармасига юборилди.

Бундан ташқари, мақола чоп этилгунга қадар ҳам вилоят прокуратураси томонидан текшириш ўтказилган эди. Унда завод ва унинг жойлардаги пахта қабул қилиш пунктлари томонидан 1998 йилда қабул қилиб олинган 23 349 тонна пахта хом-ашёсини қайта ишлаш жараёнида меъёрда белгиланган пахта толаси ва бошқа турдаги пахта маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмолчи корхоналарга етказиб бериш чорасини кўрмасдан, пахта момиғи ва аралаш чиқинди (улюк) маҳсулотларини пахта толаси ҳисобида ҳужжатлаштириш йўли билан заводга 4 743,7 минг сўм миқдорида зарар етказилганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат бўйича вилоят прокуратураси томонидан моддий жавобгар шахсларга нисбатан ЎзЖК нинг 205-моддаси 2-қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирги кунда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Э. ЙЎЛДОШЕВ,
Сирдарё вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

Акс садо

МАВЖУДА ҲАМ АЙБДОР

«Ҳуқуқ» газетасини доимий равишда қизиқиш билан ўқиб бораман. Газетанинг шу йил сентябрь ойидаги сонларидан бирида босилган «Ё қиз, ё пул» номли мақолани ўқиб ушбу мактубни ёзишга жазм қилдим.

Бозор иқтисодиёти шароитида кўпчилик ёшларимиз турли йўллар билан пул топишмоқда. Айримлар шу мақсадда пойтахтга бориб, ёлланиб ишлашаётгани сир эмас. Бундай ёшларимиз ота-оналарининг назоратидан узоқда бўлиб, ўз билганларича кун кечиришмоқда. Баъзан ана шу эркинлик туфайли айрим ёшлар билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолишмоқда. Юқоридаги мақолада ҳам ўзлари билмаган ҳолда жиноят йўлига кириб қолган ёшлар ҳақида гап боради. Менинг назаримда, Нуриддин, Собир ва Рустамларнинг жиноят содир этишига сурхондарёлик Мавжуда исмли қизнинг ҳам маълум маънода айби бор. Сабаби, агарда Мавжуда оқила қиз бўлганида дуч келган йигит билан таништириб, у билан кафега, ётоқхонага бормаган бўларди. Ахир, ўзингиз ўйланг, қайси қиз ўз севган йигити бўла туриб, бегона бир йигит қаерга таклиф қилса бораверади? Оқибатда Мавжуданинг енгилтаклиги туфайли жиноят содир бўлди.

Мен кўп йиллардан бери жазони ижро этиш муассасасининг тарбиявий ишлар бўлимида хизмат қилиб келмоқдаман. Бу ерда кўпгина ёшларнинг жиноят содир этиб, узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилиб, ёш умрлари хазон бўлаётганини кўриб, очиғи ачиниб кетаман.

Шу ўринда ҳурматли ота-оналаримизга айтадиган гапим бор. Азиз ота-оналар, фарзандларингиз тарбиясига эътиборлироқ бўлинг. Уларнинг нима билан шуғулланаётгани, қандай ишлар қилаётганини суриштириб туришга одатланинг. Халқимиз бекорга «Ёшлик - бебошлик» демайди. Зеро, ана шу «бебошлик» туфайли фарзандларимизнинг ёш умрлари хазон бўлмасин.

Қ. НАЗАРОВ

• *Транспорт хизматида нима гап?*

«ОТЧОПАР»ГА «КЛИЕНТ» ОЛИБ КЕТАЁТГАНДИ...

СИРҒАЛИДА «ҚОПҚОН»ГА ТУШДИ

Транспорт хизматига мурожаат қилмаган кунимиз бўлмайди. Эрта тонгда ишга борамиз, кечқурун яна уйга қайтамиз. Баъзан йўлларда йўловчиларни «ов»лайдиган транспорт ҳайдовчиларига дуч келамиз. «Ока, қатга обориб қўяй,беш минутда айтган жойингизда бўласиз», дейишади. Баъзилари очиқчасига савдога ўтишади. Шошиб турган бўлсангиз, нечора, рози бўласиз. Афсуски, кейинги пайтларда айрим транспорт эгалари ўз автомашиналарида «кира» қилишни касб қилиб олишмоқда. Кўпчилик ўйлаши мумкин, «машина ўзиники бўлса, кира қилса қилибди-да» деб. Бу гапда бироз жон бор. Аммо, пул топишнинг ҳам қонун билан мустаҳкамланган томонлари бор. Ҳар бир автотранспорт эгаси пулдан ДСИ ходимларининг ҳам айби бор.

Ахмад РЎЗИЕВ, Тошкент шаҳри

ЧЎНТАГИНГИЗ КЎТАРСА...

Баъзан шошилинч ишларим пайдо бўлганда аксига олиб такси келмай қолади. Ана шундай вақтда йўлдаги киракаш ҳайдовчиларга дуч келиб қоламан. Яқинда Самарқанд-Тошкент автобусидан С.Раҳимов бекатига тушишим биланоқ 7-8 та киракаш ҳайдовчилар ўраб олиб «қаерга борасиз?» деб ҳоли жонимга қўймай юкимни кўтариб кетди. «Фалон сўм берсангиз айтган манзилингизга элтиб қўяман» дейди. Бу бир томонлама яхши, чўнтагингиз кўтарса кетаверасиз. Йўқса...

Лицензия масаласига келса, ишнинг қонуний бўлганига нима етсин. Бу масалада рейдлар ўтказиб, матбуотларда тушунтириш ишлари олиб борилса яхши бўлади. Тўғриси, кўпгина ёш ҳайдовчилар лицензия ҳақида тассаввурга ҳам эга эмас.

Люда ВАСИЛЬЕВА, йўловчи

Транспорт хизматини кўрсатиш ҳуқуқига эга. Фақат бунинг учун лицензияси бўлса бас.

Тошкент вилоятининг Паркент туманида яшовчи Абдуғаффор Турсунов ўзининг ноқонуний ишларини тан олгиси келмади. Шу йилнинг 11 апрел куни лицензиясиз «С 27-73 ТН» давлат рақамли автобусида пуллик хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга оширганлиги учун Бектемир туман ДСИ томонидан МЖТКнинг 175-моддаси 1-қисмига асосан 6600 сўм миқдорида жарима билан жазоланган эди. Аммо Абдуғаффор бундан ўзига хулоса чиқармади, яна киракашликни давом эттираверди. Кўп ўтмай у лицензиясиз, Қўйлиқ бозоридан Отчопарга «клиент» олиб кетаётганда Сирғали туманида «қопқон»га тушди. У яна одатдагидек соликчиларга тавба-тазарру қилиб, бу ҳолни бошқа такрорламасликка ваъда берди. Бироқ, соликчилар унинг бу ваъдаларини навбатдаги ёлғончилик деб қабул қилишди. Яқинда Сирғали туман суди Абдуғаффор Турсуновнинг фаолиятига баҳо берди. Энг кам ойлик иш ҳақининг 35 баробари миқдорида жаримага тортилди.

А.Турсунов 5 нафар фарзанди ва қари онаси борлигини айтиб, суддан айбини енгиллаштиришни сўради. «Тирикчилик» учун ана шундай ноқонуний иш қилдим», деди у. Абдуғаффорга ўхшаш «тирикчилик» деб тирриқчилик қилиб, юрган «учар» ҳайдовчиларга бир нарсани эслатиб қўймоқчимиз. Кўза кунда эмас, кунида синади.

И.АБИДОВ,
Сирғали туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Таҳририятдан:

Мақола муаллифи бугунги кундаги долзарб бўлган мавзу – пуллик транспорт хизмати кўрсатишдаги ноқонуний ҳаракатлар ҳайдовчилар учун қанчалик қимматга тушишини баён қилган. Яқинда мухбиримиз пойтахтимизнинг серқатнов кўчаларида пуллик транспорт хизмати кўрсатишдаги муаммолар юзасидан ҳайдовчилар ва йўловчилар билан суҳбатлашди.

СОЛИҚЧИЛАРДА ҲАМ АЙБ БОР

Чорак асрдан буён такси ҳайдайман. Ҳаётимдан миннатдорман. Беш нафар фарзандимни ана шу касб орқали уйли-жойли қилдим. Шофёрлар тили билан айтганда «ҳамон рулдаман». Ҳар куни 6 минг сўм пул топиришимиз керак. Бу пул оғизнинг бир четидан чиқиб кетиши мумкин. Аммо, бунча пулни топишнинг ўзи бўлмайди. Эрта тонгдан кечгача йўловчи «ов»лаймиз. Баъзи кунлари кун бўйи «стоянка»ларда «клент» кутиб вақтимиз ўтади. Шахсий енгил машинаси бор айрим учар ҳайдовчилар йўл-йўлакай йўловчиларни арзон гаровга олиб кетаверади. Уларнинг кўпчилигида лицензия тугул, профессионал ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам йўқ. Баъзилари эса таксилар учун ажратилган жойларда сурбетларча туриб олишади. Бирон нарса десангиз, «бизда ҳам бола-чақа бор» дейишади. Лецензиясиз кира қилаётган ҳайдовчиларнинг шахримизда кун сайин «болалаши»

АЙТАВЕРСАК ГАП КЎП

Пуллик транспорт хизмати кўрсатишдаги муаммолар ҳақида ҳамшаҳарларимизнинг фикр-мулоҳазаларини билиб олгач, яна бир бор такси ҳайдовчисига мурожаат қилишни лозим топдик. Тошкентнинг Яланғоч массивидаги 14-оилавий поликлиника ёнида мижоз кутиб турган давлат рақами 10 AD 915 бўлган такси эгаси Барот Ҳамидуллаев билан юқорида тилга олинган муаммолар ҳақида гаплашдик.

— Ушбу таксини ижарага олганман. Ойига 23 минг сўм тўлашим керак. Бензин ва эҳтиёт қисмларни ўзим сотиб оламан. Одамларни ҳам тўғри тушуниш керак... Айрим шахсий енгил машина эгалари киракашлик қилади. Аммо, қонуний ишлаганга нима етсин. Лицензиясини олиб, соликларни тўласин, марҳамат.

ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ. БИРОҚ...

Енгил автомашинаси бўлган ҳар бир фуқаро хоҳласа пуллик транспорт хизмати кўрсатишга ҳақли. Фақат рухсатномага эга бўлиши керак. Бунинг учун ҳайдовчилар қайси ташкилотдан ана шундай ҳужжатларни олиши мумкин? Мухбиримиз шу саволга жавоб қидириб, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ДСИнинг жисмоний шахсларни соликка тортиш бўлими бошлиғи ўринбосари Алишер Ғаниев билан суҳбатлашди.

— ***Шахсий автомобиль эгаси пуллик хизмат кўрсатиш учун лицензия олишлари шарт экан. Кейин-чи?***

— Сўнг икки дона фотосурати ва паспорти билан ўзи яшаётган туман ҳокимлигига бориб, тадбиркорлик учун рухсат сўраб ариза ёзади. Туман ҳокимлиги ушбу ҳужжатларни кўриб чиқиб, «пуллик транспорт хизмати кўрсатишга ҳақли» деган шахсий гувоҳнома беради. Ана шундан сўнг, автомашина эгаси ўзи яшаётган туман солиқ идорасидан рўйхатдан ўтади.

— ***Топилган маблағдан солиқ тўлаш тартиби қандай бўлади?***

— Пуллик транспорт хизматини кўрсатувчи автомашина эгалари Вазирлар Маҳкамасининг 541-сонли қарорига асосан қатъий соликка тортилади. Оддий қилиб айтадиган бўлсам, бир ойда 70 минг сўмгача даромад топадиган шахсий транспорт эгаси 3500 сўм солиқ тўлаши шарт.

М.ЗАЙНИДДИНОВ,
«Ҳуқуқ» мухбири

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ДЕПУТАТ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Россияда давлат Думасига бўладиган сайловга тайёргарлик ишлари борган сари дунё оммасининг қизиқишини орттирмоқда. Ўтган ҳафтада марказий сайлов комиссияси партиялар, турли оқимлар ва блоклар томонидан кўрсатилган номзодлардан кўпчилигини рўйхатга олишни рад этди. Сабаби, улар тақдим этган ҳужжатларда ўзлари тўғрисидаги барча маълумотларни баён этмаганлар.

Партиялар ўз олдиларига қўйган асосий мақсадига эришиш учун турли хил найрангларни ўйлаб топмоқда. Улар номзодлар рўйхатини партия фаолиятига аввал умуман алоқадор бўлмаган, лекин бугунги кунда энг керакли шахслар билан тўлдирмоқдалар. Бундай айёрликларни биринчи бўлиб, бундан тўрт йил аввал «НДР» фракцияси ўйлаб топган эди. Ўшанда «НДР» аъзолигига С.Михалков (режиссер) , Л. Рохлин (генерал),Г.Волчек (таниқли академик) лар кирганди.

Бугунги кунда бу усулдан «Единство» оқими ҳам кенг фойдаланмоқда. Улар номзодлар рўйхатининг биринчи қаторини таниқли генераллар (С.Шойгу, А.Гуров), машҳур спортчилар (А.Карелин, О.Романцев), телевидение ходимлари (Л.Якубович, Е.Буратаева, А.Шарапова) билан тўлдирганлар.

«Отечество - вся Россия» блоки эса машҳур кишилар - қурол яратувчи М.Калашников, генерал Б.Громов, кинорежиссер С.Говорухин, космонавт С.Кондаков кабиларни ўз сафларига киритганлар.

Бу сайловларнинг энг қизиқарли томони шундаки, Думага депутат бўлиб сайланишни жуда-жуда хоҳласангиз, бунинг иложи бор. Сиз ўзингизга ёққан бирон бир партияни танлаб, жойнинг нархини келишиб олсангиз бўлди.

Бу борада ЛДПР йўлбошчиси В.Жириновский катта муваффақиятга эришаётган кўринади. Красноярсклик бизнесмен (ҳозирда федерал қидирувда бўлган) А.Биков номзодлар рўйхатида иккинчи ўринни эгаллаш учун В.Жириновскийга 5 млн. АҚШ доллари ваъда қилган экан. Ҳозирда ЛДПР томонидан кўрсатилган номзодларнинг 270 тасидан 60 нафарини тадбиркорлар ташкил этмоқда. Оммавий ахборот воситалари ана шулардан келиб чиқиб Владимир Вольфович бўладиган сайловларда 15 млн. АҚШ доллари ишлаб олиш имконига эга, деб таъкидламоқдалар.

(Хорижий матбуотидан)

• *Ёлғон қаҳри ва меҳри*

«МЕНИ ЎЛДИРМАЙСИЗМИ?..»

ШИФОХОНАДА ЎЗИГА КЕЛИБ, КЎЗИНИ ОЧГАН ТЎҚҚИЗ ЯШАР САРДОРНИНГ ҲАМШИРАГА БЕРГАН БИРИНЧИ САВОЛИ АНА ШУНДАЙ БЎЛДИ

...Эри уйдан чиқиб кетиб, бошқа аёлга уйлангач, Башорат аламзада бўлиб қолди. Ахир, «эр бермоқ, жон бермоқ» деган гап ҳам бор-да! Башоратнинг бутун фикру ўйини эридан ўч олиш ҳисси қамраб олди.

Ўша оқшом она ўғлини ёнига чақирди. Онасининг юрагида мудҳиш режа бош кўтарганидан бехабар ўғил Сардорнинг кўнгли қувончга тўлди.

— Ростданам, ростданам мени Тошкентга олиб борасизми-а, — дея қайта-қайта сўради.

Она-бола автобусга ўтирганларида ҳам аёл ўзининг мудҳиш режасидан қайтмади. Башорат ўғли билан янги Чиноз йўлида тушиб қолди. Бироз дам оламиз, деган баҳонада уни Сирдарё қирғоғи ёнида пайдо бўлган кўл бўйига бошлади.

— Шу ер Тошкентми? Она эса жавоб бериш ўрнига, норасидага қаҳр билан тикилди.

— Сувга туш!

Онасининг бу буйруғидан бола ажабланди:

— Нега?..

— Чўмиласан.

— Йўқ, қўрқаман...

— Туш, деяпман. — Башорат жон-жаҳди билан Сардорни сувга итариб юборди. Сардор онасига ялина бошлади. Она эса боланинг бошини сувга босди. Жон ҳолатда юлқинган Сардор бўйнидан сиқиб турган қўллардан чиқиб кетди. «Мени... мени ўлдирманг, онажон!» деди ўкчий-ўкчий. Башорат шунда ҳам ахдидан қайтмади. Ҳолсизланиб қолган ўғлини тағин сувга босди...

Тасодифан бу манзаранинг гувоҳи бўлган аёл дод солганча одамларни ёрдамга чақира бошлади. Унинг аянчли чинқириғи ўша атрофда турган милиция ходимларининг қулоғига ҳам етиб борди.

Башорат тобора яқинлашиб келаётган қадам товушларидан ўзига келди. Югуриб келаётган одамлар ва милиционерларни кўриб, ўра қочди. Чопиб келаётганлардан бири эса уст-бошини ҳам ечмай ўзини сувга отди.

Сардорни зудлик билан Чиноз шаҳар шифохонасига олиб келишди. Ҳушсиз ётган болага барча зарур муолажалар қилинди. Сардор ўзига келдию, кўзлари уйқуга илинди.

Унинг уйқудан уйғониб, ўзига кўз тикиб турган ҳамширага берган биринчи саволи шу бўлди:

— Мени ўлдирмайсизми?

Унинг бу сўзидан ҳамширанинг кўзлари ёшланди.

Кўп ўтмай шифохонага Сардорни кўриш учун бир аёл келди. У Чиноз кўрғонида яшовчи, автомобиль йўллари бошқармасида ишловчи Ҳалима опа эди. Халоскор аёл Сардорни бағрига босиб кўришаркан: «Ўзимнинг етти болам бор. Иложи бўлганида сени ҳам фарзанд қилиб олар эдим», деди...

Мен мақола сўнгида айбдор аёл шаънига аччиқ сўзларни қаторлаштириб ташлаш фикридан йироқман. Фақат бир нарсани сўрайман: Оллоҳ ҳеч бир аёлни тўғри йўлдан адаштирмасин, иймонимиз мудом бут бўлсин!

Дилором ЭСОНОВА,
Сирдарё

ҲУҚУҚИЙ Маслаҳатхона

77-72-25

САВОЛЛАР ЖАВОБЛАР

Жиноят содир этиб, тегишли жазони ўтаб бўлган шахсдан судланганлик тўғрисидаги белги қачон олиб ташланади ва унинг муддати қанча? Шу тўғрида билмоқчи эдим.

Камол Н.,
Бухоро вилояти

Ўзбекистон Республикаси ЖКда судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддатлари аниқ белгилаб қўйилган. Судланганлик қуйидаги тартибда тугалланади(олиб ташланади) :

- шартли ҳукм қилинганларга нисбатан белгиланган синов муддати тугаган кундан бошлаб;
- хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазо белгиланганида жазо ўтаб чиқилгач;
- жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш, ахлоқ тузатиш ишлари тарзида белгиланган жазолар ижро этиб бўлинган кундан кейин бир йил ўтгач;
- қамоқ тарзидаги жазо ўталганидан кейин икки йил ўтгач;
- беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўтаб чиқилгандан сўнг тўрт йил ўтгач;
- беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси ўталгандан кейин - етти йил ўтгач;
- ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин - ўн йил ўтгач.

Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган ҳисобланади.

Агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган муддатдан илгари озод қилинган ёки жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати ушбу жазоларнинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланади.

Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар, ўта хавфли рецидивист деб топилган шахслар, агар жазони ўтаб бўлганидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар судланганлик ҳолати суд томонидан олиб ташланиши мумкин.

Агар озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб чиққан шахс бирон бир ножўя хатти-ҳаракат содир этмасдан ва маъмурий ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ёки жазо ўтаб чиққан шахснинг ўзи томонидан берилган илтимосномага асосан суд судланганликни қонунда белгиланган қисмининг ярми ўталганидан кейин олиб ташлаши мумкин.

Фуқаролик ишлари бўйича даъво муддати ўтиб кетган бўлса, у қайта кўриб чиқилиши мумкинми?

О.КОМИЛОВ,
Сирдарё вилояти,
Баҳт шаҳри

Бунинг учун аввало судга мурожаат этиш керак.
Агар суд ушбу муддатни ўтказиб юбориш сабабларини узрли, деб топса, иш юритуви давом эттирилиши мумкин.

Мени бир масала қизиқтирмоқда. Асосий иш жойидан ташқари бошқа жойда ҳам 0.5 ставкада ишлаётган ходим маълум бир сабабларга кўра асосий иш жойига бир-икки бор кеч келса, унга маъмурий тартибда жазо қўлланилиши керакми ёки 0.5 ставка ишидан бутунлай олиб ташланадими?

Т.ҚОДИРОВ,
Тошкент вилояти

Томонлар ўртасида (иш берувчи ва ходим) меҳнат шартномаси шартларини белгилаш чоғида, ходимнинг иш жойи, меҳнат вазифалари, иш вақтининг бошланиши ва давом этиш вақти аниқ белгилаб олинади. Шартнома шартларига мувофиқ ходим ўз зиммасига олган вазифа ва мажбуриятларга риоя этиши шарт. Меҳнат қонунлари талабини бузган томон ўз навбатида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин. Жазо тури белгиланаётганида, албатта содир этилган хатти-ҳаракатнинг оғирлик даражаси ва унинг содир этилишига олиб келган сабаб, шарт-шароитлар ҳамда ходим шахси ҳисобга олинади.

Мен Тошкент шаҳридаги заводлардан бирида бўёқ цехида бир неча йиллардан бери ишлаб келардим. Лекин яқинда оғир касалликка чалиндим ва айни пайтда касалхонада даволанаяпман. Врачларнинг айтишича, мен энди аввалги иш жойимда ишлай олмас эканман. Саломатлигингиз тўғри келмайди, дейишди. Мен қандоқ қиламан, ахир тирикчилигим шу ишим орқали-ку.

Бу борада маслаҳат беришингизни сўрайман.

Адҳам БЕРДИЕВ,
Тошкент шаҳри

Саломатлигингиз ҳолати сизга аввалги ишингизни давом эттириш имконини бермайдиган бўлса, бошқа ишга ўтказиш тўғрисида корхона раҳбарига ёзма равишда мурожаат этишингиз лозим. Агар, корхонада(эътибор қилинг) шундай иш жойи мавжуд бўлса, корхона раҳбари бундай мурожаатни қаноатлантиришга мажбур.

Ходим саломатлиги туфайли бирмунча енгил ва иш ҳақи камроқ тўланадиган ишга ўтказилганида, аввалги ўртача иш ҳақи бошқа ишга ўтказилган вақтдан бошлаб икки ҳафта давомида сақланиб қолади.

Туберкулёз ёки касб касаллиги сабабли ходим камроқ иш ҳақи тўланадиган бошқа ишга ўтказилганда касаллик варақасига асосан, бошқа ишга ўтказиш даври (икки ойдан ортиқ бўлмаган) учун нафақа тўланади. Ушбу нафақанинг миқдори янги иш жойида бериладиган иш ҳақи билан қўшиб ҳисоблаганда аввалги иш жойидан оладиган ҳақиқий иш ҳақи миқдоридан ортиб кетмаслиги керак.

Иш билан боғлиқ ҳолда шикастланиш ёки соғлиғининг бошқача тарзда бузилиши оқибатида ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилганда соғлиғининг бузилиши учун жавобгар бўлган иш берувчи аввалги иш ҳақи билан янги иш жойидаги иш ҳақи ўртасидаги фарқни меҳнат қобилияти тиклангунча ёки ногиронлик белгиланмагунча тўлайди.

Мен 1982 йили ҳарбий ҳизматга чақирилдим. Хизматни Москва ҳарбий округидаги қурилиш батальонида ўтадим. Лекин хизмат вақтида соғлиғим ёмонлашиб госпиталга тушдим. 4 ой даволандим, аммо тўлиқ соғайиб кетмадим, шу сабабли ҳарбий хизматни давом эттиришга яроқсиз, деб топилдим ва мени уйга жўнатишди.

Ҳозир ёшим 36 да, ўн тўрт йиллик иш стажига эгаман. Айни пайтда соғлиғим ҳам яхши эмас (оғирлигим 40 кг чиқмайди). Мен ногиронлик пенсиясига чиқишим мумкинми?

Юсуф РАҲИМОВ,
Қашқадарё вилояти,
Янги миришкор жамоа хўжалиги

Мумкин. Бунинг учун сиз тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) кўригидан ўтишингиз лозим. Агар ТМЭК ўзининг асослантирилган хулосаси билан сизни ногирон деб топса, ногиронлик пенсияси белгиланиши мумкин.

«Сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар олдинроқ овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Тегишли участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг талабига кўра белгиланган шаклда бўлган, депутатликка номзодлар тўғрисида тегишли маълумотлар қайд этилган сайлов варақалари беради. Сайловчилар тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссияси аъзоларидан бирига қолдиришлари мумкин».

(«Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддаси)

Мен II Жаҳон уруши қатнашчиси, II гуруҳ ногирониман. Беш нафар фарзандимнинг отасиман. Менинг 1982 йилда ишлаб чиқарилган «Москвич» автомашинам бор. Лекин у 1992 йилдан буён минилмайди, яроқсиз ҳолатда. Ҳар йили солиқ инспекциясидан келиб уруш қатнашчиси ва ногирон бўлганлигим учун автотранспорт ёки уй солиғини, яъни улардан бирини танлаш шартлигини айтишади.

Юрмайдиган автомашинага ҳам солиқ солинаверадими?

Ҳайрулло ҲАКИМОВ,
Бухоро вилояти, Вобкент тумани

Солиқ кодексининг 93-моддаси 1-ва 2-қисмига кўра асосан транспорт воситаларига солинадиган соликдан ҳамда иморат, бино ва иншоотларга солинадиган соликдан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари озод қилиниши тўғрисида айтиб ўтилган. Аммо ушбу модда талабига кўра бу имтиёз фақатгина битта объектга тааллуқли эканлиги, бинобарин, мол-мулк эгаси улардан биттасини танлаш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Автотранспорт солиғи эса автомашинанинг техник ҳолати, ундан фойдаланиш ёки фойдаланмаслигидан қатъий назар солинади.

Мен яқинда бир низоли масалага дуч келдим. Уни ҳал этиш учун бормаган жойим қолмади, қанчадан-қанча сарф-харажатлар қилиб юбордим, бехуда кутишлар, оворагарчиликлар билан қанчадан-қанча вақт бекордан-бекор ўтиб кетди. Бу орада эса ишга ҳам боролмадим. Оқибатда ана шу кунлар учун ойлик иш ҳақи тўланмади. Ҳатто ишдан бўшатиб юборишларига оз қолди.

Менинг беш нафар фарзандим бор. Агар мен юқорида айтиб ўтган иш ҳақини тўлиқ олганимда, унчалик қийналмаган бўлардим. Айтингчи, мени шу аҳволга тушишимга сабабчи бўлган шахсларга нисбатан қандай чоралар кўрилади?

Зафар. М.
Наманган вилояти

Шикоят қондирилган бўлса, сизнинг мурожаатингиз бўйича ғайриқонуний қарор қабул қилган орган ёки мансабдор шахс унга мурожаат этиши туфайли кўрган моддий зарар, шикоят кўриб чиқилиши муносабати билан бир жойдан бошқа жойга бориш мақсадида қилинган сарф-харажат ва бой берилган иш ҳақини тўлайди. Ушбу низоли масала суд тартибида ҳал этилади.

Фуқароларнинг мурожаатларини ғайриқонуний тарзда рад этганлик, уни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузган, асоссиз, қонунга зид қарорлар қабул қилган, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузган шахсларга нисбатан интизомий, маъмурий ва жиноий жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

Ишга қабул қилишда синов ўташ муддати қонунда 3 ой қилиб белгиланган экан. Ушбу муддатни тўлиқ ўташ керакми ёки уни қисқартирса ҳам бўладими?

М.ШАРИПОВ,
Бухоро вилояти,
Вобкент тумани

Ходимни ишга қабул қилишда корхона раҳбари унинг шахсий хислатлари, шунингдек, иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда синов муддатини қонунда белгиланганидан қисқароқ даврини белгилаши мумкин.

Саҳифани ҳуқуқшунос Д.ХАЛИЛОВ тайёрлаган

Ҳурматли бош муҳаррир!

Инсон ҳаёти жуда мураккаб ва турли жумбоқларга бой. Бу мураккаб жараёнлар таъсирида туғиладиган ижобий ёки салбий ҳаяжонланишлар кишини ички ҳиссиётларини нимагадир ёки кимгадир айтишга, ким биландир суҳбатлашишга чорлайди.

Сиз боичилигингизда нашр қилинаётган «Ҳуқуқ» газетаси мана икки йилдан ошдики, кўпчиликнинг, шулар қаторида менинг ҳам ҳамроҳим ва сирдошимга айланди.

Мен кўп йиллик тажрибаларим асосида қалбимда яширинган ва бошқаларга сабоқ бўларлик воқеаларни айнан Сизларнинг газетангиз орқали кўпчиликка етказиш ниятим бор эди. Шу сабаб, бугун «Тақдир ўйини» номли воқеий ҳикоямни жўнатишга қарор қилдим.

Ҳурмат ила

Мирсайит МАВЛОНОВ,
милиция подполковниги,
Зарафшон шаҳри

• *Воқеи ҳикоя*

ТАҚДИР ЎЙИНИ

Мирсайит МАВЛОНОВ

Бу ерда маҳбусларнинг юриш-туришлари, кийинишлари, улар учун белгиланган шарт-шароитлар ва тадбирлар бир хил. Тақдир уларни ҳар хил йўллар билан ушбу манзилга олиб келган. Қанчаси алданган, қанчаси адашган, яна бир тоифаси базму-жамшид гирдобига чўмган, яна кимдир нафсини тиёлмаган...

Мен тақдирнинг яна бир ўйини - тақдир косасининг нақадар тўлиши, инсон уни тўкмасдан умр кечириши учун ожизлик қилиши ва ниҳоят бу оғир юкни, яъни тақдир юкини елкага ортишга розилик ҳиссини уйғотиши мумкин эканлиги ҳақида ёзмоқни ният қилдим. Мен 60 ёшни қоралаган, умрининг мазмунсиз кўчалари учун афсус ва надоматлар чекиб, қабулимга кирган отанинг изтиробини, унинг кўзлари олдида сочларини юлган аёли - онанинг аламларини, бахт-саодат нелигини билмай бева қолган келиннинг аҳволини, ниҳоят бу каби парокандаликка сабаб бўлган ўғилнинг ўз жонини дўзах жабрига топширишини баён қилишга жазм этдим. Зеро, уларнинг тақдири кимларгадир сабоқ бўлар...

Муаллиф

I

Ота-она якка-ю ягона ўғлини не-не орзу-ниятлар билан ўстиришди. Эркаликларини кўтариб, оқ ювиб, оқ тараб, ўзлари киймай, уни кийинтиришди, ўзлари емай унга едиришди. Қанча инжиқлик қилса, шунча парвона бўлишди. Ҳатто бир марта молхонага ўт қўйиб юбориб, бутун маҳаллага дод-вой солса ҳам ўғилни ҳеч ким чертмади, черттирмадилар. Бора-бора бу тарбия ота-онанинг бир-бирига қараб ўйланиб қолишларига, кечалари бир-бирини айблашларига, нимадандир кўрқиб яшашларига сабаб бўлди. Домласини ургани учун мактабдан ҳайдашди, қўшнининг хўкизини ўғирлаб сотгани учун уйдаги бор бисотни сотиб қутилишди. Ичкиликиб, битта ўғилнинг ташвиши бир умр меҳнатда суяги қотган ота-онанинг елкаларини яғир қилди, юзларига тарам-тарам ажин тортди. Ўзини босиб олар, деган ниятда уч ой олдин қишлоқнинг тинчгина, осуда хонадонларидан бирида тарбия кўрган босиққина қизга уналтириб қўйишди.

Тўй тараддуди билан овуниши, бир амаллаб элга ош тортишди. Маҳалла-қўйнинг оғир-енгилидан қолмай юрган бу онанинг яхши кунида барча бирдек беминнат хизмат қилди. Келин-куёвга бахт тиланди, яхши ниятлар қилинди. Лекин... ният ҳамма вақт ҳам ижобат бўлмаскан...

II

Ота-она ўша кунлари рўзадор эдилар. Куни билан ўзларига сабр тилаб, кечалари ўғлига инсоф, келинига бахт тилаб, умр ўтказишарди, ўғилнинг қай вақтда қандай қилиқ кўтариб келишини кутишарди. Ҳали қишлоқ буткул уйқуга кетмаган, кундалик юмушлардан чарчаган кўни-кўшнилардан ҳар-хил гурунглар саси, итларнинг кетма-кет ҳуриши, қишлоқнинг сокин манзараларига уйқаш турли товушлар эшитилиб турарди. Сўрида бир-бирининг оғирини хаёлан олиб, чой ичаётган ота-она машина овозидан сесканиб кетишди. Машина тор йўллардан тез ўтиб, ҳовли биқинида таққа тўхтади. Бу ўғилнинг келиши, ҳар куни шу аҳвол. Олдинлари унинг машина олдим, деганига қувонишди. Лекин бу ўлгур машинанинг маломати кўпайди. Ҳовлида мол-бузоқ қолмади, қарзлар елкага ботди. Лекин ота меҳнати бу камчиликларни бир-икки ой ичида тўлдирди...

- Она, менга ўн минг пул керак!..

- Жоним болам, қайдан оламан, ахир...

- Ахир-пахирни йиғиштир! Келинингизни сотиб бўлсаям пул топинглар.

Тонг саҳар келаман!

У отанинг «тўхта» деганини эшиттиси келмади. Келиннинг уйдан югуриб чиққанини сезмади.

Бу азоб эрталабгача ота-онани эзди. Фақат Оллоҳга илтижо қилиб ўтираверишди. Келин эса бундан бехабар бўлсада, кўнгли бир нохушлик сезиб, туни билан тўлғониб чиқди. Тонг саҳар туриб, ота-онасининг ўтирган жойида ухлаб қолганини кўриб, секин устларига чойшаб ёпиб қўйди.

III

Йигит кечаси билан қимор ўйнади. Олдин ютқазган ўн минг устига яна олтмиш минг қўшилди.

- Мен эркакман, битта гапираман! Тонг саҳар уйни сотиб бўлсаям пулни обкеламан! - деди у ишонқирамаётган йигитларга дўқ қилиб. Кайфнинг зўридан нима дегани-ю, нима қилаётгани унинг учун туш эди, холос. Бир амаллаб йигитни машинага чиқаришди. Ёнига шерик қўймоқчи бўлишувди, «нима, менга ишонмайсизларми?» дея машинани ғизиллатиб ҳайдаб кетди. Ҳар галгидек машинани ўзларининг ҳовлиси олдида тўхтатди.

IV

...Ота қизишди, вужуди билан титраб ўғлига ёпишди. Шу оннинг ўзида унинг қаттиқ зарбидан ағанаб тушди. «Ўлдир, отангни, ўлдир, ифлос! Пуштикамаримдан бўлган нодон! Сен бутун уруғимизни шарманда қилдинг, нонкўр!»

Йигит кайфнинг зўридан оғир-оғир нафас олар, нималардир деб минғилларди. Сўнг бирдан бошини кўтариб, «сендай отанинг боридан йўғи яхши. Нима яхшилик қилдинг менга, дунёга келиб нима кўрдим, жонга тегди маломат!» - деб бақириб юборди. Сўнг ошхонага қараб ўтди. Ота сергак тортди. Ўғилнинг бугунги маломати қон аралаш миясига урди. Оёқларидан жон қочиб, кўз олди қоронғилашди. Шу пайт кўзи олдида ёқавайрон аёли пайдо бўлди.

- Анор, Анор, нега тукқанингда бўғиб қўя қолмадинг шуни. Шунча азобни ўзингга эп кўрдингми? Шунча изтиробни сотиб олдингми?

Шу он ўғилнинг эшикдан отилиб кирганини кўриб, ота додлаб юборди. Унинг кўзида пичоқ бор эди. Она «вой-дод» деганича йиқилди.

- Ўлдираман ҳаммангни, ўлдираман! - дея ўғил отаси томон юрди. Унинг сўзи отанинг бошига мушт туширгандек бўлди. Кўйлагини йиртиб, кўкрагини тутди.. «Ўлдир, оқпадар сўйиб ташла, илоё берган тузим ҳаром бўлсин, мараз» - дея ўкириб йиғлаб юборди. Ўғил шайтон измидан қайтмади. Гандираклаб отага ташланди, шу пайт оёғи остида ғужанак бўлиб ётган онасининг кенг кўйлагига илашиб, уям ағанаб тушди, онаси устига тушган оғир юкдан инграб юборди. «Сен айбдорсан барига, сениям ўлдираман» - дея онасини тепиб юборди. Бу қилмиш отанинг ғурурини кўтарди, ҳамиятига тегди, бутун вужуди билан титраб, ўғлига ташланди. Йиқилганда кўпидан чиқиб кетган пичоқни олиб, ўзини бўғаётган ўғлининг қорнига санчди, яна санчди... Енги аралаш қон оқди. Қондан жирканган вужуд юракни титратди...

(Давоми кейинги сонда)

• *Астағфуриллоҳ!*

ВАГОНДАГИ ТАЖОВУЗ

ЁКИ МАСТЛИГИДА ТАҲҚИРЛАНГАН ҚИЗ

Ҳикоямиз «қаҳрамони» Иқбол Тўхтасинов 23 ёшни энди қарши олган бўлса-да, бироқ шу давр ичида 3 йил «ўтириб» чиқишга улгурган. Жазони тўлалигича ўтаб чиққан Иқбол Янгиер шаҳрида истиқомат қилувчи қариндошларининг уйида яшай бошлади. Ҳатто паспортини ички ишлар бўлимида қайд эттирмай, бирор жойга ишга ҳам жойлашмасдан юраверди. Унинг бу юриши ҳеч кимни қизиқтирмади ҳам. На маҳалла фаоллари, на участка нозири унинг нима билан шуғулланаётганини суриштирмади. Окибатда эса...

Иқбол ўзи яшаётган кўп хонадонли уйда яшовчи Лобар (баъзи исмлар ўзгартирилган) билан танишиб қолди. Унинг кўнглида ҳали балоғат ёшига етмаган қизга нисбатан шум ният пайдо бўлди. Олдинига бир-икки «гап отиб» кўрди. Кейинчалик эса муросалари келишиб, тез-тез суҳбатлашиб турадиган бўлишди. Бундан ғурурланган Иқбол бошда ўйлаб қўйган шум ниятини амалга оширишга киришди...

Ота-онасидан эрта ажралган Лобар укаси Баҳром билан шу хонадонда истиқомат қиларди.Очиғини айтганда, агар Лобар яхши тарбия олганида шунчаки таниш йигитнинг кимлигини суриштириб кўрган бўларди... «Овчи» эса «қушчани» тузоққа илинтирганидан мамнун эди.

Шу йил 15 январь куни кечқурун Иқбол Лобар ҳамда унинг дугонаси Дилдорани Катта Ўзбек тракти яқинидаги «Шаббода» чойхонасига таклиф этди. Қизлар шарафига берилган зиёфат чоғида чойхона хизматчиси Акмал ҳам даврага қўшилди. Кўрсатилаётган илтифотдан хурсанд бўлган Лобар Иқболнинг қистови билан ўйлаб ўтирмай кетма-кет беш марта пиёлага тўлдириб қўйилган арақни сипқориб юборди...

Маст бўлиб қолган қизни Иқбол чойхонанинг четидаги вагонга кўтариб олиб кирди. Ухлаб ётган қизга бир зум тикилиб қолди-ю, энтикди. Кейин кўлдан бери кўзлаб юрган мақсадига эришиш пайти келганидан қувониб кетди... Минг таассуфлар бўлсинки, ўша жирканч лаҳзада олам битта ўсмир қизнинг бокиралиги, иффати билан хайрлашди!.. Шу куни оқшомда ота-онасиз бир маъсуманинг номуси уч йил турмада «ўтириб» чиққан собиқ маҳбус томонидан ваҳшийларча топталди...

... Ҳушидан кетган Лобар ўзига келганида ёнида ўтирган дугонасини кўрди. Унинг ёрдамида кийиниб бўлгач, тўртовлон Янгиер шаҳри томон пиёда кетишди. Ўзини ёмон ҳис этаётган Лобарни йўлда юролмагани боис етаклаб юришга мажбур бўлишди.

« Нима қилиб қўйдим? Иқбол шунчалик разил йигит экан, «юр» деса, бирга кетаверибман-а!.. Ҳали балоғатга етмай, тўй кўрмай, келинликнинг оқ либосини ҳам киймай туриб қовушиш менинг қисматимда бормиди? Ҳаммасига ўзим айбдорман, ўзим!..» Лобар ўкириб-ўкириб йиғларкан беихтиёр лаблари пичирлади:

- Алвидо, болалик! Алвидо бокиралик!

«Алвидо» дегани билан у ўзини ўлдирмоқчи эмасди, беғуборлик, қизлик иффати энди бир умр қайтмаслигини ўйлаб шу сўзларни айтган эди.

Февраль ойи кунларидан бирида кечқурун Лобарларнинг уйи яқинида унинг укасини кўриб қолган Иқбол бақира бошлади:

- Ҳой, Баҳром, опачангни бу ёққа чақир! Мен у билан бирга бўлмоқчиман.

Кайфининг зўрлигидан Иқбол оёғида зўрға турарди.

- Чақирмайман. У сизнинг тенгингиз эмас!

- Нима? Вей, бор, ўзидан сўра! У энди қиз эмас! Ва-ҳа-ҳа...

- Ўчир овозингни ифлос! Мен сенга кўрсатиб қўяман туҳмат қилишни! Мана сенга! Мана!

Иккаласи бир-бирини ура бошладилар. Иқбол ўзи бадном қилган қизнинг укасини ҳақорат қилишдан, уришдан уялмади. Унинг ўгай отаси ва қўшнилар шовқин-суронни эшитиб югуриб чиқишди. Улар бир амаллаб икки рақибни ажратишди.

Ҳансирганича уйга кирган Баҳром опасининг олдига келди.

- Тўғрисини айт, Лобар, Иқболнинг гапи ростми? Ёлғон дегин! Ёлғон-а?! - укасининг овоз оҳангида нимагадир ишонч ва ўкинч мужассам эди.

- Рост, укажон, р-о-о-ст! - Лобар ўзини тутолмай ўкириб-ўкириб йиғлай бошлади ва бўлган воқеани айтиб берди.

Иқбол... Бахт-Саодат маъносини англатувчи исмни ўғил туғилганда ота-онаси яхши ниятлар билан қўйишганди. Лекин 23 ёшли йигит ўз умри давомида шундай гўзал номга икки марта доғ туширишга улгурди. Икки етимнинг кўз ёшларини оқизди. Бирини бадном қилди, бирини ҳақоратлаб, дўппослади, қалбига, таносига жароҳат етказди.

Янгиер шаҳар судининг ҳукми билан Иқбол Тўхтасинов 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган эди. Бироқ, 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан Амнистия тўғрисида чиқарилган Президент фармонига биноан жазо муддатининг тўртдан бир қисми қисқартирилди. И.Тўхтасинов 9 йиллик умрини қаттиқ режим остида, панжара ортида ўтказадиган бўлди. Тавбасига таянмаганнинг жазоси шундай бўлди. Лекин Лобар-чи? У ёмонга ҳамроҳ бўлишдан аввал кўзини каттароқ очганида қизлик ғурури оёқости бўлмасди.

Людмила МИТЕЙКИНА,
Янгиер шаҳар судининг судьяси,
Ҳасан АБДУВОҲИДОВ, журналист.

СПОРТ

Профессионал боксчилар орасидан муносиб ўрин олган юртдошимиз Артур Григорян мамлакатимиз спорти тарихини яна бир ёркин сатрлар билан безади. У америкалик профессионал боксчи, ҳали бирор марта ҳам мағлубият аламини тотиб кўрмаган М. Кларкни нокаутга учратиб, ўз вазн тоифасида чемпионлик унвонини сақлаб қолди.

***

Мамлакат футбол чемпионати охирламоқда. Олий табақада 27 тур ўйинлари ўтказилди. Голибликка даъвогар «Дўстлик», «Нефтчи» футбол жамоалари бу турда ўз рақибларини мағлубиятга учратди. «Дўстлик» 60 очко билан биринчи ўринда бормоқда. «Нефтчи» эса ундан олти очко ортда қолган. Чемпион бўлиш учун «Дўстлик» қолган уч ўйиндан тўрт очко олса кифоя.



Шу йилнинг 22-23 октябрь кунлари кураш бўйича анъанавий Президент совғаси халқаро турнири ўтказилади. Мазкур турнирда жаҳоннинг энг кучли спортчилари ўзбек кураши бўйича ўзаро беллашадилар.

Суратда: республикамиз вакилларининг саралаш ўйинларидан лавҳа.

XX АСРНИНГ ЭНГ ЯХШИ 10 ФУТБОЛЧИСИ

Футбол тарихи ва статистикаси халқаро ассоциациясининг якунда эълон қилган тугалланаётган асрнинг энг яхши ўнта футболчиси рўйхатига қуйидаги футбол юлдузлари киритилди:

Мишель Платини, Диего Марадона, Йохан Круифф, Пеле, Франц Беккенбуэр, Альфредо Ди Стефано, Эйсебио, Гарринча, Ференц Пушкаш ва Жек Чарльтон

Бундан ташқари, ассоциация «асрнинг энг яхши футболчиси»ни аниқлаш бўйича ҳам сўров ўтказди. Ҳозирча бу номга сазовор бўлган тўптепарнинг исм-шарифи сир сақланмоқда. У 2000 йилнинг 4 январида Ротенбург шаҳрида эълон қилинади ва мазкур тантанага 1983 йилда вафот этган Гарринчадан ташқари барча юлдузлар таклиф этилади.

Юлдузлар ҳаёти

ЖАН-КЛОД ВАН ДАММ

Брюсселда туғилиб ўсган Жан-Клод Ван Дамм 21 ёшида каратэ мусобақаларида қўлга киритган барча совринларини ташлаб Голливудда пайдо бўлди.

Кунларнинг бирида у машҳур продюссер Голан Менахем билан тасодифан ресторанда учрашиб қолади. Бундай қулай вазиятдан фойдаланиб қолиш учун Жан-Клод шу ернинг ўзида кикбоксингда нимага қодир эканлигини намойиш этади. Ундан бирор нарса чиқишини сезган Голан ҳеч иккиланмай «Қонли спорт» жангари фильмида бош ролни ўйнашни таклиф қилди. Мазкур фильм суратга олиш учун сарфланган 2 млн. доллардан бир неча марта кўп фойда келтирди. Жан-Клод Голливуд осмонида янги юлдуз сифатида порлай бошлади. «Кикбоксчи», «Қўш зарба», «Универсал солдат» фильмлари миллионлаб томошабинларнинг қалбини забт этди.

Кейинчалик Голливуднинг нуфузли фирмаларидан бири «Коламбиа Пикчерс» билан учта фильм учун шартнома имзоланди. Ушбу фильмлардан бири — «Қочишга йўл йўқ» бизнинг томошабинларимиз учун ҳам нотанишмас. Айни мана шу фильм туфайли Ван Дамм 3,5 миллион долларга эга бўлди.

Ван Даммнинг шахсий ҳаёти бироз омадсизроқ, десак янглишмаган бўламиз. Негаки, умр йўлдоши Глэдис билан муросалари келишмай, ажрашишга мажбур бўлишди. Ўз навбатида Глэдис фарзандлари Бьянк ҳамда Кристоферларни олиб Белгияга кўчиб кетди. Ван Даммнинг айтишича, ажралишганликларига қарамай, хотини билан муносабатлари ёмон эмас. Ҳатто тез-тез хотини ва болалари билан телефон орқали суҳбатлашиб туради.

Энди яна қаҳрамонимизнинг ўзига қайтсак. Ван Дамм аксарият фильмларида дублёрсиз суратга тушишни маъқул кўради.

У ўзининг шахсий спорт залида ҳар куни 3 соатдан машқ қилишни канда қилмайди. Съёмкалар олдидан эса машғулотлар 6 соатгача чўзилиб кетади.

Ван Даммдан «Энг катта орзуинг нима?» деб сўрашганида «Мен бахтлиман. Тақдир мени кўп сийлади. Энди буни суиистеъмол қилмаслигим керак. Шу билан бирга мен экранда ҳамиша профессионал курашчи сифатида қолишни истамасдим. Масалан, мени комедия жанри ҳам қизиқтиради. Назаримда, томошабинларни кулдириш қўлимдан келади», дея жавоб берди.

Начора, кўплаб жангари фильмларда ўзининг кучлилиги, тезкор ҳаракатлари билан томошабинларни мафтун этган қаҳрамонимизни тез орада кулгули саҳналарда кўриб қолсангиз ажабланмайсиз, деган умиддамиз.

«Bravo» журналидан таржима

Бу қизиқ

ОМАДСИЗ КУЁВ

Италиялик Тулио Чезарега куёвлик сарпоси бахт келтирмади. У қайлиғи билан никоҳ ўқитиш учун ибодатхонага кириб кетишаётган пайтда йиқилиб оёғини синдириб олди. Дўстлари кўтариб машинага олиб кетишаётганда қоқилиб кетишди ва бечорани ерга тушириб юборишди. Натижада Тулионинг умуртқа суяги лат еди. Қимирлатиш хавфли бўлиб қолди, шунинг учун «тез ёрдам» чақиришди.

Тулионинг омади йўқлигини қарангки, ҳатто «тез ёрдам» машинаси ҳам уни касалхонага олиб кетаётганда ҳалокатга учради.


Ва ниҳоят куёвни шифохонага олиб боришган ва дераза ёнидаги кроватга ётқизишган эди... дераза қоқилган карниз унинг устига тушиб, бир неча жойини тилиб кетди.

Тулиога шунча кўргилик етмагандек, бўлажак қаллиғи ҳам унга турмушга чиқишдан воз кечди.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

Айтишларича, инсон ўз умри давомида фақат икки бор кўёшга телескоп орқали қараши мумкин экан. Нима учун фақат икки марта?

Кроссворд



Энига: 7.Таниқли рус геологи, геология фанига салмоқли ҳисса қўшган олим. 8.Ҳашаматли овқатланиш жойи. 9.Картошкадан тайёрланган егулик. 11.Австралия ёввойи ити. 15.Физика фанининг бир бўлаги. 18.Сирдарё вилоятидаги шаҳар. 19.Буржуа давлатларида суд раиси. 20. «... - жадид» — жадидларнинг ислоҳот йўналишининг номи. 21.«Қирол шер» фильмидаги қаҳрамон. 23.Бразилия терма жамоасининг ҳужумчиси. 26.Уй-рўзғор буюми. 27.Эслаш, ёдга олиш. 31.Жанубий Америкада яшайдиган ҳайвон. 33.Чолғу асбоби. 34.Қуш номи. 35.География атама. 36.Африкадаги давлат.

Бўйига: 1.Тропик минтақаларда яшовчи ҳайвон. 2.Олий маълумотга эга бўлган ҳуқуқшунос. 3.Жанубий Америкада яшовчи қуш. 4.«ЎзДЭУ»да ишлаб чиқариладиган автомобиллардан бири. 5. Инсон умрига зомин бўлувчи жиноятчи. 6.Уюшган жиноий гуруҳ аъзоси маъносини англатувчи сўз. 10.Республикамиздаги шаҳар. 13.Пойтахтимиздаги туманлардан бири. 14.Хоразм вилоятидаги туман. 16.Иситмани тушурувчи, шамоллаганда ичиладиган дори. 17.Россия футбол жамоаларидан бири. 22.Геологик термин. 24.Куйга солинган шеър. 25.Европадаги давлат. 28.Хоразм вилоятидаги шаҳар. 29.Ўзбек шоири. 30. Машҳур ўзбек ҳофизларидан бирининг исми. 32.Тропик мамлакатларда ўсувчи дарахт.

Газетанинг ўтган сонида берилган кроссворд жавоблари:

Энига: 1.Ўтрор. 3.Чиноз. 4.Уйғун. 7.Беруний. 10.Акбар. 11.Елкан. 13.Каттақўрғон. 14.Аброр. 16.Тийин. 20.Қодирий. 21.Рифат. 22.Ойбек. 23.Аймоқ.

Бўйига: 1.Ўзбек. 2.Румий. 3.Черик. 5.Найза. 6.«Мустақиллик», 8.Баканов. 9.«Алломи». 10.Асака. 12.Норин. 15.Бобур. 17.Истак. 18.Болта. 19.«Широқ».

Қаҳ-қаҳа бекатти



- Дўхтир, негадир хотинимнинг овози йўқолиб қолди. Нима қилсам бўлади?
- Бугун уйингизга тунги учда келиб кўрингчи...

***

Эр кир оёқ кийими билан стул устига чиқиб чирок ўрнатаяпти.
- Ҳеч бўлмаса, газета қўйсанг бўларди,- нолиди хотини.
- Нега энди, шундоқ ҳам бўйим етади,- жавоб берди эр.

***

Қайнона ўз қизига куёвини мақтамоқда. Қиз эса энсаси қотиб:
- Нималар деяпсиз ойи, ахир у кексайиб қолган, тасқара бир чол-ку. Унинг бирдан-бир фазилати бойлиги холос.
- Нега энди битта бўларкан, юрагининг хасталигичи?..

***

Икки полициячи кўчадан 3 дона кўл гаранатасини топиб олишди ва уларни бўлимга олиб боришга қарор қилишди. Кетатуриб улардан бири:
- Агар йўлда биттаси портлаб кетса нима қиламиз?
- Ҳечқиси йўқ, иккита топгандик, деб айтамиз.

БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?..

Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди. Эгилганича тураверади...

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир
Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида» журнали

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Бўритош Сайфуллаев, Ботир Пўлатов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Ҳуқуқ» оригинал макети.
Газета PENTIUM - II mmx компьютерида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41. Нусхаси - 12656. Буюртма Г-0857. Бичими А-3.
Навбатчи: Н.МАҲМУДОВ
1 2 3 4 5 6
Сотувда эркин нархда.
Босишга топшириш вақти: 20.00
Босмахонага топширилди: 19.30